



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 9 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 27 (13.624)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ИЗЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда унинг қошидаги Иختирочи аёллар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" биринчи танловининг якуний босқичи доирасида Тошкентдаги Турин политехника университетиде кўرғазма ташкил этилди.

Унда танловнинг финал босқичида қатнашган хотин-қизларнинг ишланмалари, илмий изланиш ва тадқиқотлари намоиш этилмоқда. Худудлардан саралаб олинган энг яхши илмий-тадқиқот ва ишланма муаллифлари етакчи эксперт ва мутахассислар ўзарида ўз изланишларининг тақдирини ўқизиби, ихтироларининг ўзига хослиги, ноб ҳижатлари хусусида маълумот бериш имконига эга бўлди.

Мазкур танлов натижасида иқтидорли хотин-қизларнинг тегишли соҳа корхоналарининг илмий, техник ва технология масалалари бўйича олинган патенти асосида инновацион лойиҳалар тайёрланади. Шу билан бирга Инновацион ривожланиш вазирлиги, агентликлар, ҳолдинг компаниялари, акциядорлик жамиятлари, санаот корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказилмайдиган танловларда тадқиқотчи аёллар ўз лойиҳалари билан қатнашиши бўйича ташкилий ишлар амалга оширилади.

Тадқиқотчи қизларимиз томонидан яратилган ушбу қурилма "Заковат" деб номланади, – дейди Андижон давлат тиббиёт институти ўқитувачиси, лойиҳа раҳбари Моҳиғул Жўраева, – Пластмасса деталлардан иборат бу қурилма

кислород етишмовчилигининг олдини олиш, организмнинг қўзилмас имкониятларини ишга туширишда яқиндан ёрдам беради. "Тўқималарда сурункали гипоксияни камайтириш усули" деб номланган лойиҳамиз юрак-қон томир тизими, ўпка, репродуктив хасталикларда, кексалардаги атеросклероз касалликлариде қабул қилинадиган дори препаратлари микродозини камайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Урганч давлат университетининг кимё кафедраси доценти Тўхташова Абдураимова яратган электрон дарслик кимё фани бўйича ўқитиш услубини тизимли тарзда янада такомиллаштириш, турли моддалар иштирокидаги реакцияларнинг натижасини виртуал лаборатория машғулоти асосида кузатиб бориш, билим ва маҳоратни янада бойитиш имконини беради.

Мазкур кўрғазма фармацевтика, таълим, тиббиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, инклюзив таълим, тадбиркорлик, физика, кимё ва бошқа йўналишлар бўйича турли ишланмаларга, изланиш ва тадқиқотларга бойлиги билан кўпчиликда катта таассурот келдириди.

Н.УСМОНОВА

9 февраль – Алишер Навоий таваллуди куни

БУЮК МУТАФАККИРГА ЭҲТИРОМ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Алишер Навоий – Шарқнинг буюк шоири, мутафаккири, давлат арбоби" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, шоир ва ёзувчилар, навоийшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар қатнашди.

Буюк мутафаккир таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий кечада Алишер Навоий асарларида эзгу хислатлар, инсоний сифатлар улуғланиши, ҳазратнинг ижод намуналари кишиларни илму маърифатга, ватанпарварликка ундаши хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде мутафаккир бобомизнинг ўзбек тили ва адабиёти ривожига қўшган беқиёс

ҳиссасини ўрганиш, ижодини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим муассасамизда Алишер Навоий меросини кенг ва атрофича ўрганиш, унинг асарларида улуғланган ғоялар мазмунини навқирон авлод онгига сингдириш юзасидан самарали ишлар йўлга қўйилган, – дейди университет профессори Рўза Ниёзметова. – Хусусан, ижодий меросини кенг ва мукамал ўқитишда адабиётшунослик назарияси, матншунослик, бадий таҳлил асослари, қадимги туркий тил, тасавуф ва мумтоз поэтика асослари, матн ва талқин муаммоси, мумтоз адабий асарларни шарҳлаб ўрганиш, муталаа санъати,

бадий таржима каби фанларнинг аҳамияти ғоят катта бўлмоқда.

Тадбирда шоирнинг ижодий ҳазинаси битмас-туганмас уммон сифатида бугунги кунда ҳам юртимиз ва жаҳон олимлари, тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, қўллаб тилларга таржима қилинаётгани, туркум илмий асарлар, монографиялар, рисоалар нашр этилаётгани қайд этилди. Алишер Навоий асарларининг мазмун-моҳияти, умуминсоний аҳамияти ҳақида маърузалар тингланди.

Тадбирда Навоий асарларидан парчалар ўқилиб, талабалар ижросида сахна қурилиши намоиш этилди.

НАВОИЙХОНЛИК

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди.

Университет ректори А.Мараҳимов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий ўзлигимизни англаш, буюк аجدларимиз номини тиклаш, навқирон авлодни юксак маънавийлик инсонлар этиб воляга етказиш, уларнинг қалби ва онгига вақатпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган ишларда Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда буюк алломанинг ибратли ҳаёти, ижоди ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилмоқда. Жумладан, унинг асарлари мактабга таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юр-

лари, илмий-тадқиқот институтилари, ахборот-ресурс марказларида чуқур ўргатилмоқда.

Алишер Навоий асарларида ҳалоллик, вафо ва садоқат сингари инсонни маънавий камолотга бошловчи туйғулар юксак пардаларда тараннум этилган, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори вазифасини бажарувчи Қ.Абдураҳимов. – Ҳар йили университетимизда февраль ойида адабиёт ва маънавий ойлари ўтказилади. Унда ҳар бир факультетда, талабалар турар жойларида навоийхонлик, ғазалхонлик кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

Талабалар Алишер Навоий ғазалларидан намуналар, дostonларидан парчалар ўқийди.

У.А.

XXI сақоси
асри
Барча мавбаладан олинган сунгли кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасида аҳоли билан очик мулоқот бўлиб ўтди. Тадбирда бошланғич тўловсиз кредитга уй-жой олиш, бандликни таъминлаш, маҳсулотларни хорижга экспорт қилишга рухсат бериш, бўш турган маъмурий бинони "ноль" қийматда инвестиция киритиш мажбурияти билан корхонага бериш хусусидаги мунозараларнинг ақсарияти шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Жиззах шаҳридаги 25-умумтаълим мактабида ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишлаб "Навоийни ўрганамиз" мавзусида адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда юқори синф ўқувчиларининг Алишер Навоий ижоди ва фаолияти бўйича тайёрлаган маърузалари тингланди. Ёшлар эркин мавзудаги иншо тарихида ёзган маърузаларида буюк шоир ҳаёти ва ижодининг миллий адабиётимиз, маданият ва маънавиятимиз равнақида тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилди.

Фарғона вилоятида ўтган йили баллиқчиликни ривожлантириш борасида 35 лойиҳа амалга оширилиб, жами 312 гектарлик қўллар ташкил этилди.

Сирдарё вилояти Бовёв туманида йўл ҳаракати қондабузарликларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18 фоизга камайтирди. Президентимизнинг 2017 йил 11 июлдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида туманда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказилаётган профилактика тадбирлари, ҳар шанба куни вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги алоҳида йўл-патруль хизмати отряди билан биргаликдаги қўшма рейдлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаптир.

ЖАҲОНДА

Индонезия пойтахти Жакартада кучли ёғингарчиликлар туфайли шаҳардаги дарёларнинг ўзанидан чиқиб, сув тошқинлари рўй берганлиги туфайли мингдан ортиқ киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Сув тошқинлари натижасида ер қўчиқлари ҳам рўй бериб, беш киши ҳаётдан қўз юмди.

АҚШлик машҳур кинорежиссёр Клинт Иствуднинг навбатдаги янги "Парижга қатнайдиغان поезд" номли фильми киноэкранларга чиқди. Ҳаётий воқеалар асосида суратга олинган ушбу фильмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, кинолентадаги учта бош ролни актёрлар эмас, балки Парижга йўл олган поездда йирик террорчилик ҳаракатининг олдини олган ёш қаҳрамонларнинг ўзлари ижро этишган.

Швециянинг "Ericsson" телекоммуникация компанияси мамлакат транспорт оператори билан ҳамкорликда Стокгольмнинг жамоат йўлларида иккита ҳайдовчиси электобусни синовдан ўтказмоқда. Синовдан мақсад – электобуслар реал шаҳар шароитида қандай ишлашини билишдан иборат. Электобусларнинг ҳар бири 11 йўловчини сиғдира олади, тезлиги соатида 25 километрни ташкил этади. Автобус бундай тезликда ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам ҳаракатлана олади. Синов олти ой давом этади.

Австралияда узок саёхатга йўл олган ҳаво шарининг 25 дақиқада тўсатдан қулаб тушиши натижасида бир неча киши жароҳатланди.



ИСЛОМ КАРИМОВ – МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКISTОН АСОСЧИСИ

"Туркистон" санъат саройида Ислам Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан тайёрланган ва нашр қилинган "Ислам Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси" китоб-альбомининг тақдимотида бағишланган "Оташ каби ёниб, ўзгалар йўлини ёрит" шиори остида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакиллари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, илм-фан, маданият, санъат намояндалари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг рафиқаси, китоб-альбом лойиҳа муаллифи Т.Каримова, Ўзбекистон халқ артисти Г.Зокирова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Ислам Каримов номидаги давлат стипендияси соҳибаси Д.Ҳолжигитова, Ибройим Юсупов номидаги икхтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси А.Қалибаева ва бошқалар буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов бутун фаолиятини, ҳаётини Ватанимизнинг озодлиги, тинчлик-осойишталиги, халқимизнинг, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi, ўз орзу ва мақсадларини рўйга чиқариши учун баҳшида қилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

"ХАБЕАС КОРПУС" ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

"Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан Ўзбекистонда "Хабеас корпус" институти янада кенгайтиришнинг истиқболлари: АҚШ тажрибаси" мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Словениянинг "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), вазирлик ва идоралар, нодавлат ташкилотлар мутасаддилари ҳамда АҚШ Федерал суд маркази директори Жереми Фогель иштирок этди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Акмал Бурҳонов, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилотининг Тошкентдаги филиали раҳбари Мьюша Север ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини тубдан янгилаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга ҳизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича юзга яқин халқаро ҳужжатга қўшилгани бу борадаги ишларни халқаро меъёрлар доирасида амалга ошириш имконини бермоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг кейинги беш йиллик истиқболлини белгилаган берган Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга қўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишга доир қатор вазифалар белгилаган. Халқаро давра суҳбатига ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Мақсад – одил судлов самарадорлигини ошириш, ривожланган давлатлар тажри-

баси асосида "Хабеас корпус" институти янада кенгайтириш, суд-тергов жараёнлари очиклигини таъминлаш, тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойилини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар бўйича тажриба алмашишдан иборат.

Анжуманда 2016-2017 йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини амалга оширишнинг ислохотлар, Давлат дастури асосида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари бўйича амалга ошириладиган тадбир ва тадқиқотлар каби мавзугарга доир маърузалар тингланди.

"Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти вакиллари таъкидлашча, Ўзбекистонда жиноят ишларини юриштишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илгор халқаро стандартлар жорий этилаётгани суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш имконини беради.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида улкан ўзгаришлар бошланганига гувоҳ бўляпмиз, – дейди Жереми Фогель. – Бу, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлиги тобора ошаётганида намён бўлаётди. Соҳани ривожлантиришга халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, малакали кадрлар жалб этилаётгани ишларни сифатли амалга оширишга ҳизмат қилаётди. Давра суҳбатига ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан суд ҳокимиятини ислох қилишдаги замонавий ёндашувлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Тадбирда АҚШ суд-ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланган давлатларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг замонавий тенденциялари юзасидан фикр алмашилди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Орзу лайнерлари Ўзбекистон сари" деб номланган ҳужжатли фильм намоиши бўлиб ўтди.

ОРЗУ ЛАЙНЕРЛАРИ ВАТАНИМИЗ САРИ

"Ўзбекино" миллий агентлиги томонидан суратга олинган мазкур ҳужжатли фильм мустақиллик йилларида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг босиб ўтган шонли йўли ва унинг фаолиятига бағишланган.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси ўзининг замонавий аэропортлари ва самолётлари, юқори малакали учувчилари ва халқаро талабларга мос хизмат кўрсатиши даражаси билан ўз нуфузига эга.

Ўзбекистон ҳаво йўллари Миллий авиакомпанияси равнаки ва фаолиятини ёритиб берувчи мазкур фильм барчага мазкур бўлади, деган умиддамиз, — дейди ЎзА мухбирига фильм муаллифи Б.Бобоев.

Тадбир иштирокчилари "Орзу лайнерлари Ўзбекистон сари" ҳужжатли фильмнинг яратилиши ҳақида ўз фикр-муносабатларини билдирди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА

ЁШ ИЖРОЧИЛАРИМИЗ ТАНЛОВ-ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБИ

Россиянинг Саранск шаҳрида бўлиб ўтган "Санъат мўъжизалари" ("Чудеса искусства") халқаро танлов-фестивалида Самарқанд шаҳридаги 1-болалар музика ва санъат мактабининг ўқувчилари муваффақиятли қатнашди.

Ушбу мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мадина Қаноатова "Якка ракс" йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

"Гуруҳ ракси" йўналиши бўйича эса Рухона Каримова, Фарохноз Хамидова, Моҳинур Нуруллоева ва Рухона Бегимова сингари ўқувчилар, "Эстрада-вокал" йўналишида 5-синф ўқувчиси Муштарийбегим Хамидова биринчи ўринга муносоқ топилди.

Саранск шаҳрида бўлиб ўтган ушбу танлов-фестивалда Россия Федерациясининг турли ҳудудлари, шунингдек, Қозоғистон, Грузия, Арманистон каби давлатлардан 200 дан зиёд иштирокчи қатнашди.

(ЎзА)

ҚАЛБАКИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

Халқимиз орасида қўлингдан келса, яхшилиқ қил, келмаса, ҳеч бўлмаса ёмонлик қилма, деган ажойиб нақл юради. Бунинг замирида ёмон йўлнинг охири вой мазмунидаги огоҳлантириш ҳам бордек.

Лекин ораминда билатируби ёмон йўлни танлаш, яхшилиққа ёмонлик билан жавоб қайтаришдек аянчали ҳолатлар ҳам учраб туради.

Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида ижарада яшаётган йигит уй эгасининг уйни бўшатиб беринг, деган илтижоларига парво ҳам қилмади.

Энди эшикни Мажбурий ижро бюроси ходимлари келиб тақиллата бошлади. Эшик очилвермагач, бюро ходимлари уни бузишга мажбур бўлди.

Эшик очилди, хонадонга қадам қўйган одам борки, ҳайратдан жойларида туриб қолди. Бу ер одам яшайдиган уй эмас, гўёки кичик фармацевтика корхонаси эди!

Ижарачи "тадбиркор" чиқиб қолганидан уйнинг ҳақиқий эгаси ҳам лол бўлиб қолди.

"Яширин цех" устидан чиққан ходимлар бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Олмасор тумани бўлимига хабар қилди.

Хонадонда 18 турдаги қўлбола усулда тайёрланган капсулалар, уларни қадоқлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, бўш ампулалар, этикеткалар борлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб бориш жараёнида сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб келган Баҳриддин исмли шахс дориларни қўлбола усулда тайёрлаб, уларни сотиш билан шуғулланиб келгани аён бўлди.

Суд-кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган дорилар таркиби одам мушакларини ривожлантириш учун ишлатиладиган турли хил моддалар бирикмаларидан ташкил топган экан. Ўз навбатида, дори ишлаб чиқариш бўйича рухсатнома, билим ва тажриба, зарур шaroитга эга бўлмаган шахс томонидан "яратилган" бу дорилар истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлиб, инсон саломатлигига жиддий путур етказиши мумкин.

Кўриниб турибдики, бир қонунбузарлик иккинчисига йўл очди. Иккинчиси эса учинчисига десак, ошириб юборманг дерсиз, балки? Афсуски, шундай... Суриштирув-тергов жараёни давом этаётган пайт-



МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда жорий йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берилишининг замирида чуқур маъно-мазмун мужассам.

Чунки унда илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштироки, ижодий гоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вази-фаси белгиланган.

Бугун малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни миллий гояга содиқлик ва ватанпарварлик руҳида, маънавий бой ва баркамол, дунёқараш кенг ва мустақил тафаккурга эга шахс сифатида тарбиялаш, уларнинг ҳар жиҳатдан билимли, салоҳиятли бўлиб етишиши учун ушбу ислохотлар кенг имкониятларни очиб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майда қарори талаблари асосида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги институтида соҳага юқори интеллектуал салоҳиятга эга ва юксак малакали кадрларни тайёрлаш, инновацион фаолиятни жадаллаштириш, ёнги хавфсизлиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни фаол олиб бориш орқали таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашга эришиш йўналишларида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда институт ёш ўқитувчилари ҳамда илмий ходимларига илмий-техникот ишларини янада жадаллаштириш, фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишларида қўшимча имкониятлар яратилмоқда.

Ушбу йўналишда бугунги кунда Ёнги хавфсизлиги институтининг Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий-техникот институти ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг кенг йўлга қўйилиши ўз самарасини бермоқда.

Хусусан, Ёнги хавфсизлиги институти ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг илмий изланишларга бўлган қизиқишларини янада орттириш орқали иқтидорли ёшларни кўпроқ илмий-тадқиқот фаолиятга жалб қилишга эришиш, бу йўналишдаги ишларини самарали ташкиллаштириш ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Республика олий таълим муассасалари ва Фанлар Академиясида кўп йиллар давомида фаолият юритиб келаятган етакчи олимлар ва академиклар иштирокида давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда.

Шундай учрашувлардан бири ИИВ Ёнги хавфсизлиги институтида ёш ўқитувчилар, илмий ходимлар ва иқтидорли курсантлар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири, техника фанлари номзоди Пўлат Арифов ҳамда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти кафедр мудири, профессор Адхам Рафиқов иштирокида "Илм-фан тараққиётида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг ўрни, улар орқали янги назарияларни шакллантириш, янги илмий ишланмалар, инновацион гоя ва технологияларни яратиш ва жо-

рий қилиш орқали фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштиришга эришиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХИ бошлиғи, генерал-майор А.Кўлдошев олиб бориб, олимларни таништириб ўтиб, уларнинг илм-фандаги ютуқлари ва босиб ўтган ҳаёт йўллари тўғрисида атрафлича маълумот берди.

Шундан сўнг Пўлат Арифов ҳамда Адхам Рафиқовлар сўзга чиқиб, ёшларда ҳавас уйғотадиган, янги-дан-янги илмий гоялар ва қизиқарли илмий ижодий фаолиятлари ҳақида ҳамда илмий тадқиқот ишларини самарали ташкиллаштиришнинг сир-асрорларига тўхтадилар. Шу билан бирга ёш ўқитувчи ва илмий ходимларнинг илмий изланишларга бўлган қизиқишини қулайтирадиган, тажриба синовларда аҳамият бериладиган жиҳатлар, илмий изланишлар натижалари таҳлилларини юритиш, ривожланган хорижий давлатлар нуфузли илмий журналларида чоп этиладиган илмий мақолаларга қўйиладиган талаблар бўйича фикр-мулоҳазалари ва тавсияларини айтиб ўтдилар.

Учрашувда етакчи олимларнинг илмий ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар, илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкиллаштиришнинг сир-асрорлари, фикр ва мулоҳазалари, тавсиялари ва маслаҳатлари Ёнги хавфсизлиги институтининг ёш ўқитувчилари ва илмий ходимлари томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинди. Бу эса уларнинг келгусидаги илмий изланишлари ва хизмат фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Хуришд ТАНГРИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнги хавфсизлиги институти илмий ходими

ҲУДУДЛАРНИ АСРАШГА ОИД ИШЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон қушларни муҳофаза қилиш жамияти ҳамкорлигида сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқли ҳудудлар тўғрисидаги халқаро конвенция қабул қилинган.

1971 йил 2 февраль кунин Эроннинг Рамсар шаҳрида халқаро ҳамжамият томонидан сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган сув-ботқоқли ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида халқаро аҳамиятга эга халқаро конвенция қабул қилинган.

Семинарда юртимизда ушбу конвенцияда белгиланган талабларнинг амалга оширилиши ҳолати таҳлил этилди. Сувли-ботқоқли ҳудудлар табиатнинг ажралмас қисми, сайёрамизнинг экологик мувозанатини сақлаш, биологик хилма-хилликни таъминлаш, жамиятни барқарор ривожлантиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Тўдақўл қўлини ва Куйимзор сув омборини Рамсар рўйхатида киритиш бўйича вазирлик ва идораларнинг тегишли хулосалари олинган эди. Айни пайтда мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида ушбу табиий ҳудудларда мунтазам равишда мониторинг ва кузатув ишлари олиб бориламоқда.

Сув-ботқоқ ҳудудларида олиб борилаётган тадқиқотлар, жумладан, сувда сузувчи қушларни халқаро ҳисобга олиш муҳим экологик ақция бўлиб, у қушлар сони ва улар яшайдиган жойдаги экологик ҳолат бўйича маълумот йиғишга йўналтирилган.

Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан атраф-муҳитни асрашга алоқадор бўлган қатор қонунлари тақомиллаштириш, уларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш ва бошқа масалалар юзасидан фикр билдирилди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Олмасор туманидаги 28-сонли умумтаълим мактаб томонидан 1994 йилда Ходжимухамедов Дониёр Рустамович номига берилган 508031-сонли, 104-руйхат рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри хизмати" давлат корхонаси томонидан "POWER CANDY STAR" МЧЖ номига Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 22 ва 22"А"-уй оралиғида жойлашган нотура жой учун берилган 3-735/2014 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари ҳамда бино иншоотга берилган TS 0042326 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яккасарой тумани ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Зиямухамедов Салах номига Яккасарой тумани, Ўрикзор 4-тор кўчаси, 52-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 5-мактаб томонидан 1987 йилда Гребенчук Александр Владимирович номига берилган №402109 рақамли саккиз йиллик мактабни битирувчилари гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ Тошкент шаҳрида 10 февраль кунин ҳаво ўзгариб тургани, ёнги нарсаник бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража